



# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 39 (11.600)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ташаббуснинг қаноти бор, дея бежизга айтилмайди. Яхши, ибратли ташаббус чиндан ҳам тез оммалашади. Бунга мисол қилиб мамлакатимизда мустақиллик йилларида Ўзбекистон Президенти соврини учун аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловини келтириш мумкинки, унда иштирок этиб, ўз ютуқлари, изланишлари, ташаббусларини турли йўналишда намоён этаётган тадбиркорлар эл-юрт олқишини олиш баробарида иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.



«Ташаббус-2010»

## ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШМОҚДА



Яқин кунларда ўзларининг баракали меҳнати, тадбиркорлиги иқтидори билан беллашувга чоғланган кўрик-танлов — «Ташаббус-2010» бошланади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов бугуннинг талабидан келиб чиққан ҳолда ва яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб иш юритаётган тадбиркор, хунарманд ва фермерларни рағбатлантириш, уларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш ҳамда касб маҳоратларини

янада оширишга қаратилган. 1996 йилдан бундан ўтказиб келинаётган ушбу танловда голиблар муносиб рағбатга сазовор бўлишмоқда. Бундай рағбатлар эса уларни янги-янги изланиш ва ташаббусларга етакламоқда. Йил сайин кўрик-танловнинг нуфузи тобора ошмоқда. Бунга иштирокчилар сони, улар амалга ошираётган ишлар сифати, маҳсулотлар ва хизматлар рақобатбардошлиги ортиб бораётгани, қатнашчиларнинг ўз билим ва маҳоратлари устида тинмай изланаётгани ёрқин мисол бўла олади. Албатта, иштирокчиларни

танлашда ўтган йилда эришган юқори кўрсаткичлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, халқ амалий хунармандчилиги, фермерликни ривожлантиришдаги ҳиссаси инobatта олинади. Энг қувонарлиси — ана шундайлар сафи ортиб бораётгани, ютуқларининг салмоғи, ташаббус майдонида беллашувга бўлган иштиёқлари баландлигидир.

«Ташаббус-2010» кўрик-танловининг иштирокчилари «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши фермери» ва «Йилнинг энг яхши хунарманди» номинациялари бўйича беллашишадди. Бундан ташқари, бир қанча кўшимча номинациялар голиблари ҳам аниқланиб, муносиб тақдирланади. Баркамол авлод йили муносабати билан «Ешларга иш берувчи энг яхши корхона» номинацияси ҳам киритилган. Пойтахтимизда ҳам мазкур аънавий тадбирга пухта ҳозирлик қўрилувмоқда. Хадемай бошланадиган туман босқунларига тадбиркорлар ичидан энг муносиблари саралаб олинди ва улар ўз маҳоратларини кўрсатишга шай.

(Давоми 2-бетда).

**Мамлакатимизнинг Туркменистондаги элчихонасида айнан шу мавзуга ва Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик ташкилотининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган ташаббусларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШҲТДАГИ РАИСЛИГИ

Тадбирда Туркменистоннинг сиёсий, ижтимоий ва ишбилармон доиралари вакиллари ҳамда Ашхобод шаҳрида аккредитациядан ўтган дипломатик миссиялар раҳбарлари ва ходимлари иштирок этди.

Брифинг иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2009 йилда Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг йиғилишида сўзлаган маърузаси ва мамлакатимиз раҳбарининг ушбу ташкилотга Ўзбекистоннинг раислик қилиши даврида Шанхай Ҳамкорлик ташкилотининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган ташаббуслари билан батафсил танишишди.

Иштирокчилар эътибори Ўзбекистон Президентининг ШҲТнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, Ташкилотнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш каби ташаббусларига қаратилди. Брифинг қатнашчилари Ўзбекистон томонидан ШҲТнинг раиси сифатида Ташкилот самарадорлигини янада ошириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни юксак баҳолади. Хусусан, Хитойнинг Туркменистондаги элчиси У.Хунбинь Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти нафақат минтақада, балки глобал миқёсда ҳам изчил ва тобора обрў қозониб бораётган халқаро ташкилотлардан бири эканини қайд этди.

— Бундай ижобий аънавалар замирида давлатлар ўз олдига қўйган вазифаларга нисбатан ушбу ташкилот барча аъзоларининг ягона қарашлари ва ёндашувлари ётади. ШҲТ давлатлари хавфсизлик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш соҳалари каби муҳим йўналишлар бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг тарафдори эканликларини намоён этишмоқда, — дейди хитойлик дипломат. — Аминманки, Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги Ташкилотнинг янада мустаҳкамланишига кўп томонлама хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан тақлиф этилган ташаббуслар, шубҳасиз, ШҲТнинг мавжуд салоҳиятидан тўла фойдаланишга ва унинг самарадорлигини оширишга кўмак беради. Шу маънода транспорт-коммуникация соҳасини янада ривожлантириш кўнатириш алоҳида аҳамият касб этади. Бугун Ўзбекистон Е-40 Трансиёв автотрасасини куриш ва таъмирлашни амалга ошириш лойиҳасини биринчилардан бўлиб нияҳосига етказди. Ушбу магистралнинг фойдаланишга топширилиши ШҲТга аъзо давлатлар ўртасидаги товар айланмасининг бир неча бор ошишига ва маданий-гуманитар алмишунининг фаоллашувига зарур шарт-шароитни юзга келтиради.

Руминиянинг Туркменистондаги элчиси Р.Хорумбегинийнги йилларда аҳамияти тобора ортиб бораётган ушбу нуфузли ташкилотнинг ривожланишига муҳим туртки бериши керак. Ўзбекистон томонидан киритилган тақлифлар ва ташаббуслар бугунги шароитда ШҲТнинг янада тараққий этиши учун жуда долзарб ва зарурдир, дея таъкидлади у.

БМТнинг томонлар ўртасидаги зиддиятли ҳолатларнинг олдини олиш бўйича дипломатик ҳаракат ташкилотининг Марказий Осиёдаги Минтақавий маркази сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси А.Пуполсоннинг қайд этишича, Ўзбекистоннинг ШҲТнинг халқаро ташкилотлар, жумладан БМТ билан алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш борасидаги нуқтаи назари тўғри ёндашувдир.

— Бундай интилиш бугунги воқеликка тўлалигича мос келади ва нафақат минтақада, балки бутун дунёда хавфсизлик ҳамда барқарорликни сақлаш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга йўналтирилган. Шу маънода, Ислоҳ Каримовнинг Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш борасидаги ташаббуси ва Ўзбекистон томонидан ушбу мамлакатга ёрдам тадбирларининг амалга оширилиши алоҳида эътиборга сазовордир. Мен Ўзбекистон Президентининг афғон муаммосини фақатгина харбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрларига қўшиламан. Ушбу вазиятни тартибга солишга жалб этилган барча давлатлар Президент Ислоҳ Каримов айтиб ўтганидек, Афғонистонга биринчи галда ижтимоий, иқтисодий ва гуманитар ёрдам кўрсатиш зарурлигига жиддий эътибор қаратишлари лозим, — дея таъкидлади эксперт.

«Жаҳон» АА,  
Ашхобод

## ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

**Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалардан бири — илмий фаолиятга иқтидорли ёшларни фаол жалб этиш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароит яратишдир.**



лилдир.

Тошкент Кимё-технология институти талабаларининг ишланмалари 1-3 март кунлари бўлиб ўтадиган III Республика инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида намоён этилади. Гидроксид ва магний оксиди, гипс, карбонат кальций ишлаб чиқариш бўйича экспортга йўналтирилган технология шулар жумласидандир. Бу тўртинчи курс талабаси, Беруний номидаги стипендия соҳибига Жасур Эргашев ва учин-

чи курс талабаси Роза Гиниятулина тадқиқотлари натижаси бўлиб, ушбу технология фақат маҳаллий ҳомашэ — Кўнғирот сода заводи ва Қораумбет кони тузлари чиқиндиларидан фойдаланишга асосланган. Ҳисоб-ки-тоблар шуни кўрсатадики, курилиш саноати, машинасозлик, парфюмерия-косметика ва бошқа соҳалар корхоналари учун мўлжалланган мазкур технологияни жорий этиш катта иқтисодий самара беради.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат техника университетига «Ўзингни ўзинг асра» мавзусида ёшлар орасида ОИТСга қарши профилактика ишларини кучайтиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** Педиатрия-тибб-ёт институтида Фавкулдада вазиятлар бошқармаси ташаббуси билан фавкулдада вазиятларда фуқаро муҳофазасини таъминлаш чораларига бағишланган навбатдаги ўқув машғулотини уюштирилди.

✓ **ЙУСУБОД** туманидаги «ЁШЛИК» болалар спорт мажмуасида «Соғлом авлод — миллат таянчи» шiori остида олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўртасида бугун ва эртага стол теннисиди бўйича мусобақа ўтказилди.

✓ **«ЧИЛОНЗОР»** болалар спорт мажмуасида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан Баркамол авлод йилига бағишланган футбол бўйича уюштирилган мусобақаларда ўрта мактаблар ўқувчилари ўзаро беллашишди.

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Наманган вилояти ўлкани ўрганиш музейида ёш мўйқалам усталарининг кўргазмаси ташкил этилди. Унда касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг тасвирий санъат соҳасидаги машқлари намоён этилди.

• «Хунарманд» уюшмаси фаоллари ташаббуси билан андижонлик хунармандлар маҳсулотларининг кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмадан ўтган асрлардаги усталарнинг чизмалари бўйича тайёрланган миллий кийим-кечаклардан тортиб, энг сўнги урфдаги зардўзи маҳсулотлари, пойабзал, ўйинчоқлар ва заргарлик буюмлари ўрин олди. Кўргазма доирасида усталарнинг шоғирдларга иш ўргатиш жараёни ҳам уюштирилмоқда.

• Наманган вилояти Янгикўрган туманидаги Шарқ юлдузи қишлоғида намунали лойиҳа асосида 25 та бир қаватли турар жойларнинг курилиши бошланди. Уларнинг лойиҳаси «Ўзқишлоққурилиш» республика лойиҳа институти томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бунёдкорлик ишларини «Агрогидромеъмор» хусусий корхонаси ва МЧЖ «Янгикўрган саркор таъмирқурилиш» курувчилари олиб бормоқда.

• Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги «Бўстонғиштсервис» масъулияти чекланган жамиятида чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунинг учун хоризждан 200 миллион сўмлик маблағ эвазига замонавий жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозир корхонада ойига 25 минг донагача чойнак, пёла, коса сингари ўн хилга яқин рўзгор буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхона фаолиятининг кенгайтиши ҳисобида қўшимча 24 та иш ўрни яратилди.

• Андижон вилоятидаги курилган мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган «Хўжаобод мева қуришти» масъулияти чекланган жамиятида томат қайлаши ишлаб чиқаришга ихтисослашган, лойиҳа қиймати 150 миллион сўмга тенг янги технологик линия ишга туширилди. Натижада корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ортиб, 20 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

## ЖАҲОНДА

• Хитой ва Шимолий Корея ўртасида икки давлат чегарасида кўприк куриш бўйича битим имзоланди.

• Россия ва Европа Иттифоқи кўзда тутганига зид равишда Техрон билан Эроннинг ядровий муаммолари бўйича ўтказилган музокаралар ҳеч қандай натижасиз якуланди.

• Германияда ишсизлик даражаси февраль ойида 8,2 фоизни ташкил этди.

• Францияда авиационетчерларнинг иш ташлаши давом этмоқда. Натижада мамлакатдаги кўплаб ҳаво рейслари бекор қилинди.

• Никарагуада Рихтер шкаласи бўйича 5,9 балли zilзила содир бўлди. Табиий офат маркази мамлакат пойтахти Манагуадан 120 километр узокликда қайд этилди. Ҳозирча қурбонлар ва талафотлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

• Европа Иттифоқиға аъзо мамлакатлар аэропортларида йўловчиларнинг 100 миллилитрдан ортиқ суюқликни самолёт бортига олиб киришни тақиқловчи чора муддатга яна узайтирилди. Ушбу тақиқлов 2008 йил ноябрида, яъни Буюк Британия маъмурияти самолёт бортида «суюк бомба»дан фойдаланиб амалга оширилиши мўлжалланган террорчилик ҳаракатининг олдини олгач, жорий этилган эди. Эндиликда тақиқлов муддати 2013 йил апрелгача узайтирилди.

• Таиландда фонуслар фестивали бўлиб ўтди. Унда жорий йилга ҳамоҳанг равишда йўлбарс тасвири фонуслар танлови ҳам ташкил этилди.

• АҚШнинг Орландо штатидаги денгиз жониворлари марказида ўтказилаётган дельфинлар шоусида бахтсиз ҳодиса юз берди. Дельфинлардан бирининг сувда ўз ўргатувчисига ҳамла қилиб, ғажиши натижасида ўргатувчи ҳаётдан кўз юмди. Фалокат бир зумда рўй берганлиги учун ҳеч қандай қутқарув тадбирларини амалга оширишнинг иложи бўлмади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мутахассисларнинг фикрича, магистратура талабаси Мадина Ҳамидованин паррандачилик ва балиқчилик соҳасининг ёғ-мой саноати чикиндиларидан тайёрланган озукалар билан таъминлаш бўйича ишланмаси ҳам истиқболли. У пахта шротни таркибдаги зарарли госсипол компоненти парчаланишига кўмаклашувчи бактериялар ёрдамида бу озукаларни оқсил ва витаминлар билан бойтадиган экологик тоза биотехнологияларга асосланган. Тажриба натижаларига кўра, шу тариха олинадиган ва четдан олиб келинадиган соя шротни ўрнини босадиган биомасхулоти қўллаш товуқларнинг туғуши 5-7 фоизга кўпайтириш ва уларнинг оғирлигини 17 фоизгача ошириш имконини беради.

Аспирант Сергей Бардин томонидан талабалар ишгирокида маҳаллий хомашдан янги, юқори самарали, комплекс азотфосфор НРК — ўғитларни олиш учун яратилган ноёб технологияни жорий этиш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Бундай ўғитларга ички ва ташқи бозорда талаб катта. Институт магистранти Хайрулло Исмаилов томонидан ишлаб чиқилган гўзанинг ўсишини тезлаштирадиган биостимуляторлар ва доривор ўсимликларни қўллаш ҳам қишлоқ хўжалиги учун фойда келтириши мумкин. Бунда бир тонна чигитта экишдан олдин ишлов бериш учун 30 грамм ана шундай биостимулятор сарфланади. Доривор экинлар ҳосилдорлиги ҳам ошади. Янги препаратларни ишлаб чиқариш бўйича қўрилма жорий этишга тайёр.

Кимё саноати — Ўзбекистон иқтисодиётининг истиқлол йилларида ташкил этилган ва жадал ривожланиб бораётган соҳаларидан биридир. Фаолият кўрсатаётган корхоналар қувватини ошириш, мамлакатимизда керакли ва хориқда харидорғир маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни қуриш олимлар ва технологлардан жаҳон бозорига рақобатбардош ишлаб чиқаришни модернизация қилишга ёрдам берадиган янгиликлар яратишни талаб қилади.

Президент Ислам Каримов томонидан қўйилган ушбу вазифаларни бажаришга Тошкент Кимё-технология институти мутахассислари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Талабалар томонидан ишлаб чиқилган технологиялар ва лойиҳалар олий ўқув юрти бугун ишлаб чиқарувчи-

ларга таклиф этаётган кўплаб истиқболли инновацион ишланмаларнинг бир қисми, ҳоло. Жумладан, бу синиқ парчалар ва чикиндилардан қўйилдиган алюмин қотишмаларини олиш, занглашнинг секинлаштирадиган ингибиторлар, антиоксидантлар, антипиренлар, дезмульгаторлар, олигогеллар, октан сонини оширадиган қўшимчалар, пармалаш реагентлари, турли хил композицион материаллар, бошқа кўплаб препарат ва буюмлар ишлаб чиқариш бўйича янги технологиялардир. Шуниси муҳимки, ушбу маҳсулотлар маҳаллий хомашдан, кўпинча саноат чикиндиларидан ишлаб чиқарилади. Хусусан, тупроқда сувга

ридаги минералларга бой шўр сувдан бишофит ишлаб чиқаришдир. Ўзбекистонда бишофит четдан олиб келинади. Технололарнинг ҳисоб-китобларига қараганда, уни ишлаб чиқаришга сарфланган маблағлар кўпи билан икки йилда қопланади. Фосфор кислотаси — фосфогипсни ишлаб чиқаришнинг кўп тоннали чикиндиларини утилизация қилиш бўйича экологик муаммони ҳал этишга қаратилган технологиянинг ҳам дунёда ўхшаши йўқ. Ушбу технология фосфогипсни мамлакатимиз саноати учун керакли бўлган сульфат кислотаси ва цементга айлантириш учун қайта ишлаш имконини беради.

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

бўлган эҳтиёжни камайтирган ҳолда, куз-киш мавсумида унинг таркибида намни сақлаш имконини берадиган гидрогелларни ишлаб чиқариш технологияси бунга мисол бўла олади. Бу йил баҳорда институт олимлари ушбу гидрогелларни Наманган вилоятидаги фермер хўжалиқларининг сув тақчил майдонларида синаб кўради.

Экспертларнинг фикрича, бундай технологиялар орасида истиқболлилари кўп ва улар инновациялар ярмаркасида намойиш этилади. Улардан бири Оролбўйидаги Кўнғирот сода заводи яқинида жойлашган қонда табиий минарабидан натрий сульфат ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган. Бу айни пайтда четдан олиб келинадиган, саноатнинг кўплаб тармоқлари, жумладан, тўқимачилик, шийа, қора ва рангли металлургияда, синтетик ювиш воситаларини ишлаб чиқаришда кенг қўлланилаётган кимёвий бирикмадир. Ўзбекистонда ҳар йили биргина йирик истеъмолчилар учун 50 минг тоннадан ортиқ натрий сульфат талаб этилади. Ҳисоб-китобларга кўра, уни етарли миқдорда ишлаб чиқаришни ташкил қилишдан олинладиган даромад йилга қарийб 11 миллиард сўмни ташкил этади. Сарфланган харажатлар бир йилда ўзини оқлайди.

Тошкент Кимё-технология институтининг жорий этиш учун таклиф этаётган яна бир муҳим лойиҳа — бу Оролбўйи қўлла-

Таъкидлаш керакики, олий ўқув юрти олимлари ва мутахассисларнинг ушбу муҳим ишланмалари Маҳаллийлаштириш дастурида белгиланган вазифаларга ҳам мос келади. Уларнинг жорий этилиши маҳсулот таннархини камайтириш ва мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишга ёрдам беради. Яна шуниси муҳимки, бу янги корхоналар, иш ўринлари ва пировард натижада, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш имконини яратлади.

Табий материалларнинг ҳам Тошкент Кимё-технология институтининг амалга оширилаётган илмий-амалий тадқиқотлар сирасига киради. Тадқиқотлар давомида суяк тўқимасининг ўрнини босувчи биологик жиҳатдан мос ситалл материаллар олинди. Улар суяк тўқимасининг шикастланган қисмларини тўлиқ қайта тиклаш имконини беради. Институтда биокерамика каби ишлаб чиқилаётган бундай йўналиш ортопедик стоматология соҳаси учун янги имкониятлар очади. Ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёж бугун кўпроқ четдан олиб келиш ҳисобидан таъминланади.

Институтимиз маълумотлар базасида Ўзбекистон иқтисодиётининг деярли барча жабҳалари учун янги технологиялар бор, — дейди Тошкент Кимё-технология институтининг илмий ишлар бўйича проректори Абдуваҳоб Икромов. — Улардан фойдаланиш орқали турли

экспортбон товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкин. Мамлакатимиздаги кўплаб йирик корхоналар, шу жумладан, «Ўзимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирадиган корхоналар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Уларнинг буюртмалари бўйича тармоқни технологик модернизация қилиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини оширишга қаратилган ҳўжалик-шартнома асосидаги қатор ишларни бажармоқдамиз. Шу мақсадда институтимиз ҳузурида барча факультет ва кафедраларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштирадиган Инновация маркази ташкил этилди. Шунини таъкидлаш керакики, ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда ҳар қандай янги лойиҳани амалга оширишда нафақат моддий, балки инсон ресурслари, биринчи навбатда, уни жорий этиш билан шуғулланадиган мутахассислар ҳисобга олинмоқда. Шу боис юқори малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиб, инновация ишларига талабалар кенг жалб этилмоқда. Улар шу тариха ишлаб чиқариш муаммоларини чуқур билган ҳолда, уларни энг илғор ёндаш ҳамда услублар асосида ҳал этишни ўрганмоқда. Институтимизда ташкил этилган замонавий ўқув-лаборатория базаси муҳим амалий аҳамиятга эга илмий тадқиқотларни ўтказишга ёрдам бермоқда. Буларнинг барчасига Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизда олий ўқув юртлирини янада ривожлантириш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштиришга қаратаётган катта эътибори туфайли эришилмоқда. Ҳар йили республика инновация ярмаркаларининг ўтказилиши ҳам Ўзбекистон раҳбариятининг ушбу муҳим соҳага қаратаётган эътиборининг ёрқин мисолидир. Ушбу ярмаркалар иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари, олий ўқув юртлири ва илмий муассасалар ўртасида янги алоқалар ўрнатилган ҳамда мавжуд алоқаларни янада кенгайтиришга кўмаклашаётир. Бундай операция ўзининг салмоқли натижагини бермоқда. Зеро, улар ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, илмий ва инновация фаолиятини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

А.ИВАНОВА, ЎЗА МУХБИРИ

Таълим

ТАНЛОВ ҚИЗИҚАРЛИ ҲАМ

1991 йилдан бошлаб Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг анъанавий тарзда япон тили нотиклик санъати бўйича танлов ўтказиб келинмоқда. Бундан мақсад, — япон тилини ўзлаштириш даражасини юқорига кўтариш, талабалар фикрларини япон тилида теран ифода этган ҳолда тингловчиларга етказиб бера олиш қобилиятини ривожлантиришдан иборатдир.

Яқинда ўқув муассасасида ўтказилган танловда япон филологияси кафедрасининг ўқитувчилари ва Япониядан ташриф буюрган бир гуруҳ талабалар иштирок этди.

Танловда «Умид ва умидсизлик», «Ақлга сунган ҳаёт», «Кўзга қўринмайдиган муҳим нарсалар», «Қалб жароҳатини вақт доволаси ростми» каби мавзуларда иштирок этган Улуғбек Низомов, Алишер Очилов, Нодир Бердикўлов, Нигора Мақсудова каби талабалар танловнинг республика босқичига йўллана олд.

Утган йили Урта Осиё микёсида бўлиб ўтган нотиклик санъати танловига мазкур институтнинг талабаси Дониёр Рихсиев биринчи ўрнини эгаллаган эди. Ушбу танловнинг яқунловчи босқичи жорий йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтади. Унга Япония Халқаро фонди ҳомийлиги қилади.

ИНСТИТУТДА ДАВРА СУҲБАТИ

Тошкент Кимё-технология институтининг ўтказилган давра суҳбати «Обусиз ҳаёт» деб номланди.

Тадбирда шахар Ички ишлар бош бoshқармаси ходимлари Зуфар Юсупов ва Фатҳиддин Нуриддиновлар талабаларга гивёандликнинг зарарли иллатлари, ноҳус ходисаларга сабаб бўлувчи омиллари ҳусусида сўз юритдилар.

Жамиятимизда киши ҳаётига, соғлиғига ва маънавий дунёсига салбий таъсир кўрсатувчи иллатнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар, ўтказилаётган тадбирлар ҳақида ҳам тўлиқ маълумотлар берилди.

МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБ ҚУЁШИ

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими, «Камолот» ЕИҲ ҳамда ўқувчилар ижодиёти маркази томонидан уюштирилган маърифий тадбир 204-мактабда бўлиб ўтди.

Унда шоир Бобур Бобомурод янги шеърларини ёшларга ўқиб бериш баробарида, улуғ аллома шоирлар ижоди ва ҳаёт йўли ҳақидаги маълумотлари билан ўқувчиларнинг шеърятга бўлган қизиқшини янада орттирди.

Услубчи Марям Қодирова эса ўқувчилар маънавиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларнинг моҳияти, ёшларни интернет тизимига жалб этаётган турли хил зарарли томошалар, компьютер ўйинлари, кўл телефонининг бола онига ва саломатлигига қўрсатаётган салбий томонлари ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди. Гулчехра ДУРДИЕВА

ОГОҲЛИК ВА ҲУШЁРЛИК ДАВР ТАЛАБИ

Учтепа тумани ҳокимлигида «Одам савдоси: ҳушёр ва огоҳ бўлишлар!» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Республика Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмитаси фаоллари, маҳалла раисларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, ўқув муассасаларининг масъул ходимлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

XXI аср ахборот алмушуви тизимининг тубдан такомиллашиш даври бўлди. Бу, ўз навбатида, халқаро муносабатларда минтақавий ҳавфсизликни таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий, илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорлик қилиш, умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ муаммоларни биргаликда ҳал этишга каттагина имконият яратди. Мамлакатлараро миграция жараёнлари бирмунча фаоллашди. Жумладан, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, туризм ва бу каби турли мақсадларда бошқа давлатларга чиқиши, эркин фаолият олиб бориши учун кенг имкониятлар яратилди.

Бироқ ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда турли салбий иллатлар ҳам буй кўрсатмоқда. Трансмиллий жиноят ҳисобланган одам савдоси ҳам инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказди. Юртимизда одам савдоси жиноятини худуд ва чегара танламаслигини унутмаган ҳолда бундай салбий қўриқчиларга курашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, мазкур жиноятдан жабрланганларни ҳимоялашда муҳим омил бўлаётир.

Тадбирда инсон, унинг шаъни, кадр-қиммати, оқсоқилга турмуши ҳамда келажакда тахдид солаётган трансмиллий мазкур жиноят ўз гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни торттагани жуда ачинарли эканлиги алоҳида қайд этилди. Юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни мустақамлаш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини олиб бориш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

— Республикаимиз бўйлаб бу борада турли анжуманлар ўтказилмоқда, — дейди «Туркестон-пресс» муҳбириги «Истиқболли авлод» ташкилотли шахар бўлими мудири Умид Каримова. — Ушбу жиноятнинг олдини олиш учун аввало, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш талаб этилади. Мазкур иллатга қўр-қўрона эргаштириш натижасида жуда ёмон оқибатлар юзга келмоқда. Мактабданок ўқувчиларга мазкур жиноятнинг салбий ҳолатлари тўғрисида тушунтиришлар бериш муҳим аҳамиятга эга.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА

2010 йил — Баркамол авлод йили

ЁШ АВЛОД ҲУҚУҚИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 27 январда қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қароридан болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги белгиланган.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, қонунларнинг янада пишиқ ва пухталлиги, ҳаётийлигини таъминлашда таҳлил ва тажрибани уйғунлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ташкил этилган «Баркамол авлод ва хориқдаги конституциявий ҳуқуқий таъриба» мавзусидаги давра суҳбати айни шу мақсадга қаратилди. Пойтахтимизда бўлиб ўтган тадбир Германия техник ҳамкорлик жамиятининг Ўзбекистондаги ва-

колатхонаси, Гёте институтининг Тошкентдаги идораси ҳамкорлигида уюштирилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов юртимизда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимизнинг доимий этиббиди эканлиги алоҳида таъкидлади. Бу борада миллий қонунчилик асослари яратилган ва у халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келади.

Баркамол авлод йилида ёшлар, шу жумладан, болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашга қаратилган, уларнинг манфаатларига хизмат

қиладиган меъёрий-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш ишлари кўлами янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Бола ҳуқуқлари конвенциясига қўшилган, мамлакатимизда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Мустақиллик йилларида юртимиз таълим тизими тубдан ислоҳ этилди. Ёш авлоднинг жисмонан камол топишини таъминлаш мақсадида уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид Nicholson», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Жойларда замон талабларига мос юзлаб замонавий академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бунёд этилди.

Давра суҳбатида Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муктор элчиси Вольфганг Нойен Ўзбекистонда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, 2010 йилнинг Президент Ислам Каримов томонидан Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши юксак самаралар беришини алоҳида таъкидлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, турли вазирликлар, идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари, таълим муассасалари ходимлари иштирок этган тадбирда Германиянинг конституциявий-ҳуқуқий таърибасини ўрганитиш, Ўзбекистон-Германия муносабатларининг бугунги ҳолати билан боғлиқ мавзуларда фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Алоқа

НАМУНАЛИ ПОЧТА ХИЗМАТИ

XX аср бошларида Тошкент темир йўли станциясида халқаро почта жўнатмаларини айирбошлаш хизмати ташкил топган эди. Кейинчалик бу хизмат Тошкент темир йўли ҳузуридаги почта деб юритила бошланди.

Йиллар ўтиши билан бу ташкилот Ўзбекистоннинг халқаро почта давлат корхонасига айлантирилди. Мамлакатимиз халқаро почта иттифоқига тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб киргандан сўнг халқаро почта алоқалари фаолияти кенгайди. Бугунги кунда «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг «Халқаро почта» филиали жаҳоннинг 98 та мамлакат билан почта жўнатмаларини амалга оширмоқда.

Эндиликда бундай хизмат тезкор усулда йўлга қўйилиб, янада ишончли тармоққа айланиб қолди.

Маълумки, ер устки эфирли рақамли телевидение дастурларини тарқатиш хизмати сифат кўрсаткичларини яхшилаш юқори аниқликдаги видеотасвирларнинг маромида бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

РАҚАМЛИ ТЕЛЕВИДИЕНИЕ ИСТИҚБОЛИ

Бундай техникавий жараённи амалиётда татбиқ этиш йўлида республикамизда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда рақамли телевидение тарқатиш йўриқномаси бўйича Тошкент ва Бухоро шаҳарларида тажрибавий худудни яратишга киришилди.

Бугунги кунда пойтахтдан теледастурлар пакети «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали каналининг теъликдаги рақамли оқими орқали Бухорога узатилаётган. 2015 йилда эса мамлакатимиз бўйлаб тўлиқ рақамли узатишга ўтилиши белгиланди.

Ақбар АЛИЕВ

ИЛГОР ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Президентимиз 2009 йилнинг асосий яқулири ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳар доимгидай кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини айтиб, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўтган йилдаги 50 фоиздан 2010 йилда 52,5 фоизга етказиш вазифаси қўйилмоқда, деб таъкидладилар. — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Шавкат Мирзаев. — Албатта, ушбу масъулият вазифани ундашда соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, янги-янги изланиш ва ташаббусларга ундаш муҳим аҳамият касб этади. «Ташаббус» кўрик-танловининг бу борадаги аҳамияти ҳам беқиёс. Унинг рағбатлари барчани муваффақиятларга чорлайди.

Утган йиллар давомида кўрик-танловда шахримизнинг юзлаб, тадбиркор ва ҳунармандлари иштирок этиб, туман, шаҳар, республика микёсида голибликни қўлга киритганлар сафи ҳам ортиб бормоқда. Ишонимизки, тез кунларда бошланган «Ташаббус-2010» янги-янги номларни кашф этади, голибларни саралайди ва Президент савринига муносибларни тақдирлайди. Ана шундай ишонч ва рағбатлар, албатта янада изланишга, улкан муваффақиятларга ундайди. Ташаббус бор жойда, шубҳасиз, ғалабага эришилади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: «Ташаббус» кўрик-танловининг ўтган йилги иштирокчи ва голиблари

ЁШЛАР — КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

222-мактабда «Ўзбекистон ёшлари — ҳуқуқбузарлик, миссионерлик ҳамда гивёандликка қарши» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди, деб хабар беради «Туркестон-пресс».

«Миллий тикланиш» демократик партияси Мирзо Улуғбек туман Кенгаши, Маънавият тарғибот бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмитаси фаоллари, маҳалла раисларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирда маънавиятимизга ёт гоилардан сақланиш зарурлиги алоҳида таъкидлан-

ди ва халқимиз маънавияти, урф-одатига бегона қарашларнинг оқибатлари ҳусусида батафсил маълумотлар берилди.

Бу борада ҳуқуматимиз томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар замирида ҳам соғлом, ҳар томонлама етуқ ва баркамол авлодни тарбиялаш ётибди. Тадбирда таъкидланганидек, бола тарбияси ўта оғир ва муҳим вазифадир. Бунга лоқайд, эътиборсизлик билан қараш келгусида хунук оқибатларни келтириб чиқариши тайин.



**Саломатлик**

**ҚАНДАЙ БОҒЛИҚЛИК БЎЛИШИ МУМКИН?**

Инсон кўзи соққа ва ёрдамчи аппаратдан иборат экан. Кўз соққаси олд томони сал бўртиб чиққан шар шаклига эга. У кўз косаси ичида жойлашиб, атрофи учта – ташқи, ўрта ва ички пардалар билан ўралган бўлади. Ўрта парда томиларга бой бўлиб (шунинг учун ҳам томилар парда деб аталади), уни ҳам уч қисмига бўлишади: олд – рангдор парда (ўртасида тешиги бўлган ясси доира шаклида), ўрта – киприк эти, орқа – томилар парда.

Меланин пигментиға боғлиқ бўлган кўз қорачигини ўраб турувчи парда ранги аниқ ажралиб туради ва мовий (пигменти кам), кўк, жигарранг (пигменти кўп) бўлиши мумкин. Бўёқ ранги бутунлай бўлмас, кўз пардаси қизғиш (альбинослар кўзи деб аталадиган рангда) бўлади. Химоя пигменти туфайли кўз косаси ичига қорачиғ орқали ёруғлик тушиши билан альбинослар ундан кўрқийди.

Хар бир одам кўзларининг ранги ўзигагина хос хусусиятга эга бўлса-да, ўткирлик маъносидан эмас, балки интеллектуал ёки қандайдир жисмоний хусусиятларнинг наслдан ўтиши аниқланган. Умуман олганда эса, наслилик кўпроқ атрофдагиларга таъсир қиларкан. Мовий кўзлар кўпроқ шимолий минтақаларда, жигарранг кўзлар — мўтадил иклимда жойларда, қоп-қора кўзлар экватор яқинидаги ҳудудларда учраши аниқланган. Лекин мустасно ҳоллар ҳам учраб туради. Жумладан, эскимослар ва ненецларнинг кўзи тана ва сочлари рангига ўхшаш қорамтир.

Кўз пардасининг аниқ ранглиниши гўдақларда 2-3 ёш ораллиғида тўла шаклланади. Чақалоқлар одатда ёрқин – оққа яқин рангли кўзлар билан туғилади

(яъни кўз ранглири фақат ҳаётнинг илк йилларидагина ўзгариши мумкин). Чап ва ўнг кўзлари пардаси бир хил бўлмаган одамлар ҳам бор. Нега шундай бўлиши ва бу одамга қандай таъсир қилиши мумкинлигини олимлар ҳалигача аниқлай олишмаган.

Кичик Осие, Тутанхамон ҳукмронлик қилган даврлардаги Қадимги Миср, Хитой ва Ҳиндистонда кўз рангдор пардасига қараб, ички аъзолар ҳолатини аниқлашгани ҳақида маълумотлар бор. Соат миллирнинг кўз косаси бўйлаб айланишини тасаввур қиладиган бўлсак, кўз пардасининг тепа қисми (милларнинг соат 12 га тўғри келган ҳолати), ахборот "таблоси" сифатида бош мия аҳолини билдиради. Миллар "учга келган" да ўпка чап қисми, "тўққизга келган" да ўнг қисми ва нафас йўллари, унинг яқинроғида сут безлари аҳолидан оғоҳ қиладди. "Олти" да оёқлар, унинг ёнлари эса — жинсий аъзолар ҳолатини ақ эйтиради ва ҳ.к.

Рангдор пардада доғ, қизилчалар, ёйларнинг пайдо бўлиши танадаги бузилишлар чекланганидан дарак беради (дарвоқе, бармоқ излари каби рангдор парда расмлари ҳам хар бир одамнинг ўзигагина хос бўлади).

Мухими, соғлом кишиларда рангдор парда тиниқ ва шаффоф бўлади. Тиббиётчилар тиббиётда қадимдан кўзларни жигар ҳолатининг кўзгуси деб билишган. Одам аъзолари касалликлари билан кўзлар рангдор пардаси ахбороти ўртасидаги боғлиқликини исботловчи кузатувлар тобора кўпаймоқда. Бу эса, келиб чиқши бир-биридан тубдан фарқланувчи бўғинлар боди, ўсимталар, сил касалликлари каби хасталикларни ташхис қилиш имконини беради.

**Табиат оламида**

**D ВИТАМИНИ НИМАСИ БИЛАН ФОЙДАЛИ?**

Саломатлик учун гоаят зарур бўлган ушбу витамин айрим озик-овқат маҳсулотларида бўлади ва унинг танамизда доим етарли даражада сақланиши учун кўш нури керак бўлади. Британиялик олимларнинг янги тадқиқотлари натижаларига кўра, D витамини кекса кишиларда қандли диабет ва юрак хасталиғи каби касалликларнинг ривожланишини пасайтиради.

Буюк Британиядаги Ворвик университети олимларининг таъкидлашларича, танасида D витамини даражаси юқори бўлган қариялар диабет ва

юрак касалликлари билан икки марта кам оғрийдилар. Шу муносабат билан мутахассислар соғлом парhezга кўпроқ эътибор қилишни тавсия этишади.

D витаминини етарли даражада ушлаб туриш учун овқатланиш рационига ёғлиқ балиқ киритилиши керак. Шунингдек, олимлар ушбу ҳаётий зарур дармондори даражасини ошириш учун ҳафтада икки марта камида ярим соатдан кўш нурлари тик тушадиган ҳолатда сайр қилишни ҳам маслаҳат беришади.

Кенг қўламли тадқиқотлар давомида экспертлар D витаминининг фойдаси ҳақидаги 28 илмий ишни ўрганиб чиқишди. Илмий тадқиқотларда 99745 киши қатнашди. Барча илмий ишлар 1990-2009 йилларда чоп этилган. Чуқур таҳлиллар натижасида олимлар унча мураккаб бўлмаган витаминнинг юқори даражаси ушлаб турилган ва соғлом турмуш тарзига амал қиладиган ўрта ва кекса ёшда-

Ҳаммамиз ҳам кимлардандир, биринчи навбатда ўз яқинларимиздан яхшиликлар кутамиз, бунинг учун ҳатто ўзимизни ҳақли деб биламиз. Аммо ўша биз яхшилигини кутаётган инсонлар, яқинларимиз айнан ўзимиздан ҳам шуни кутаётган бўлишлари мумкинлигини ўйлаб кўрганмизми? Ўйлашимиз керак! Чунки бугдўй эккан – бугдўй, арпа эккан – арпа ўради, деб бежиз айтишмаган.

Мутафаккирлар, буюк бобокалонларимиз таъкидлаб келишганидай, дунё эзгулик устига қурилган, шу эзгулик уни тараққий эттиради. Яхшилик қилган – яхшилик кўради. Бунга ҳаётда мисоллар кўп. Албатта, биринчи навбатда онангининг кўнглини олишингиз ўринли бўлади. Оналар фарзандларидан ҳеч нарсани таъма қилишмайди. Аммо шундай экан деб, бепарво бўлиш инсофдан эмас. Зеро, онанинг хизмати фарзандга энг кўп сингади. Фарзандни дунёга келтиришининг ўзи она учун бир "ўлиб-тирилиш" демакдир.

Онанинг ёшлиғида қандай бўлгани, нималар унинг қалбини ҳаяжонга солгани, нималарга интилгани ҳақида бир сўраб кўринг. Ҳали бирор амалий иш қилмай туриб, фақат унинг ҳаёти билан қизиқайганингни ўзиндан унинг боши осмонга етади. Хиссиётлари, қувончу ташвишларига лоқайд эмаслигинингиздан унинг меҳри янада жўшиб, ортиб, яна ҳам меҳрибонроқ, қунонқароқ бўлиб қолади. Ҳеч шубҳасиз, падари-бузрукворингизга ҳам бу гаплар тааллуқли.

Орада бирон дилхиралик бўлиши билан жазавога берилмай, "мени тушунишмайди" дея, тўнингингиз тескари киймай, ўзингиздан сўраб кўринг: балки дадам ва оғим ўзларини ёмон ҳис этишайтандир ёки би-

рон ташвиш уларни безовта қилаётгандир, балки мен ўзим билиб-билмай кўнглимизга озор бериб қўйгандирман? Ёхуд шунчаки гапларимни нотўғри тушунишгандир? Шундай мулоҳазалар билан ота-она кўнглини олишга интилиш улар билан муносабатларни изга солишга хизмат қиладди.

Кейин эса улар ҳам сизни тушунишларига аста-секин эришаверасиз. Лекин

**ЯХШИЛИК ИСТАСАНГ — ЯХШИЛИК ҚИЛ!**

кўпчилик ўсимлар, ёшлар ахволни жиддийлаштириб, чалқаштириб юборишади ва ўзлари яна хафа ҳам бўлиб қўйишади. Мана бир мисол.

Салима ота-онасидан яширинча бир йигит билан учрашиб юради. Ота-онам барибир мени тушунишмайди, деб ўйлаб, қилаётган ишини улардан сир тутайди. Алоқалар кучайиб, аҳду паймонларгача етиб боради, совчи масаласи ўртага қўйилади. Шу йигитга тегаман, деб туриб олган қиз ота-онасининг суриштирайлик, таг-тугини билаллик, деган илтиҳоларини ҳам назарга олмасликка ҳаракат қиладди. Яхшиямки, бўлажак қувё яшайдиган маҳаллада отасининг яқин дўсти бўлиб, у ўшандан йигитнинг қанақалигини сўрайди.

Маълум бўлишича, бўлғуси қувё ҳеч қаерда ишламай, ўқимай юрар, ёмоннинг бир қилиғи ортик, деганларидай, нашаванд ҳам экан. Ундан эса – гивандликка ҳам бир қадам. Хуллас, ота-онасининг гаплари тўғри эканига ишонч ҳосил қилганидан кейингина, Салима уларнинг панд-насихатларига қулоқ тутди. Кўпчиликнинг ёрдами билан-

гина ота-онасининг фарзандларга фақат яхшилик исташларини тушунишга бўлди.

Шундай йўл тутадиган йигитлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг наздида ота-оналари халақит бераётгандай, бахтига тўғаноқ бўлишайтандай туюлаверади. Аммо уларнинг ҳаёт тажрибалари, узоқ умр йўлларидан бошларидан ўтказган аччиқ-чучуқликлар нуридий-даларини шундай ҳолатлардан асраб-авайлашга ундашини тушунишга интилиш йўқ. Дўст ачитиб гапиради, деган нақл бор. Яхши гапга, мақтовлар, хушомадларга учининг эса оқибати воли.

Инсон бошқа мавжудотлардан тили, ўй-фикрлари, мулоҳаза ва мушоҳада қобилияти билан фарқланади. Мушоҳадага ўрганиш кимнинг қандай эканлигини билиб олишингизга ёрдам беради. Нима учун шундай бўлди? Қандай хатога йўл қўйдим? Ўзимдан ўтмадимикин, деган саволлар сизни тўғри йўлга солади. Ота-онага қилган яхшилигингиз фарзандларингиздан, яқинларингизга кўрсатган меҳр-муруватингиз уларнинг ўзларидан ёки яқинларидан, борингки "етти ёт бегоналар"дан қайтиши мумкин.

Тескарисини қилганлар учун ҳам ўзига яраша жавоб бор – унинг жазосини бир кун эмас бир кун тортишга тўғри келади. Хуллас, яхшилик кетидан – яхшилик, ёмонлик кетидан – ёмонлик келиши муқаррар. Эзгулик шундай бир мустаҳкам кўрғонки, деган экан улуг бобокалонларимиздан бири, хар қандай куч-қудратга эга бўлган ёвузлик унинг деворларини қулатолмайди. Хар биримиз ана шундай мустаҳкам кўрғонга эга бўлиб яшайлик!

**М. ЖАЪФАРОВА,**  
фахрий педагог



**Истиқлолнинг истиқболи порлоқ ёшлари**

**Ҳаётий ҳикоятлар**

**ЁЛҒОНИ ЙЎҚ ...**

Бир кун кўр киши оёқлари олдига "Мен кўзи ожизман, иложи бўлса ёрдам беринг!" деган гап ёзилган тахтачани қўйиб ўтирарди. Бир одам ўтиб кетаётди, унинг олдида тўхтади. У шляпасида атиги бир нечта тангаси бўлган ногиронни кўрди. У ҳам иккита тангани ташлаб, кўзи ожиздан рухсат сўраб ўтирмай, тахтачадаги сўзлар нуринга янғисини ёзиб қўйди. Тахтачани кўзи ожизнинг олдида қолдириб, ўзи йўлига равона бўлди.

Туш пайти қайтиб келиб, унинг шляпаси пул ва тангаларга тўлиб кетганини кўрди. Кўр киши қадам товушларидан уни таниб, тахтачага ёзиб кетган одам эмасмисиз, деб сўради. Айни пайтда у тахтачага нима ёзилганини ҳам билгиси келарди.

У шундай жавоб қилди: "Бирон ёлғон гап ёзганим йўқ. Фақат тахтачадаги ёзувни бошқачароқ қилиб ёздим, холос". У қулиб, яна йўлига кетди. Тахтачада шундай сўзлар ёзилганди: "Ҳозир айна баҳор, аммо мен уни кўролмайман".

**ЎЗИНГ ТАНЛА**

"Бунинг иложи йўқ!" – деди Оқибат.  
"Бу ғирт бемаъналик!" – деди Тажриба.  
"Бу бефойда!" – деди Фурур.  
"Уриниб кўр!" – деди Орзу.

**«ЎЗГА САЙЁРАЛИК»ЛАР ҚАНДАЙ КЎРИНИШГА ЭГА?**

Ҳаётнинг ўзга сайёралик кўринишлари ҳақида ишончли ахборотнинг бутунлай йўқлиғига қарамай, ҳозирги замон астрономия ва биология фанлари эга бўлган билвосита гувоҳликлар асосида астробиологлар ўзга сайёралардаги жонли мавжудотлар қандай қиёфага эга бўлиши ҳақида тахминларини билдиришмоқда.

Чунончи, Вашингтон университетидан астробиолог Dirk Schulze-Makuch, Юпитер йўлдоши Европада муз қатлами остида мураккаб озикланувчи пирамидалар мавжуд бўлиши эҳтимоли бор, улар асосида микроблар ётади. Энг олий ривожланган жониворлар 1 миллиметргача катталиқдаги чувалчангсимон микроорганизмлардир, дея тахмин қиладди у.

Флоридалик Steven Benner олтингургурт бирикмаларига тўйинган Зухра юлдузи атмосферасида шаффоф доирасимон мавжудотлар бўлиши мумкин, деган тахминни олға сурди.

Сатурн йўлдоши Титаниннг углеводородли қўлларидан улкан бактериялар яшashi мумкин. Чунки метан ва этан аралашмасининг юза тарақлиги сувниқидан анча паст. Бунинг устига, Титандаги паст ҳарорат шароитида барча жараёнлар секинлик билан кечади. Бинобарин, мазкур сайёрада яшовчи мавжудотлар ҳаёт секин ва жуда узоқ кечиши мумкин.

Эволюциянинг янада юқори даражаси вакиллариға келсак, уларнинг қиёфалари, агар сайёраларимиздаги ҳаёт шароитлари бир-бирига мос келган тақдирдагина бизникиға яқин бўлиши мумкин. Бунинг эҳтимоли йўқ даражада.

Астробиологларнинг тахминича, онгли мавжудотлар эҳтимолда йиртқичлар ёки дўч келган нарсани истеъмол қиладиган бўлиши ҳамда юксак даражадаги жамиятга эга бўлиши мумкин. Мазкур мавжудотларда радиосигналларни қабул қилувчи аъзолар бўлиши эҳтимол ҳам мавжуд.

**Дунёнинг ажиб ишлари**

**ЭНГ КИЧКИНА ОДАМЧА**

Бўйи бор-йўғи 56 сантиметрли непаллик йигит жаҳондаги энг митти одамча унвонини олиш учун Европаға келган. 18 яшар Хагендра Тхапа Магар Гиннеснинг рекордлар китобига ёзилиш учун расман ариза бериш мақсадида отаси билан Италияға ташриф буюрди.

Магар оиласи у 14 ёшга тўлганида илк бор рекордга даъво қилиб чиққанди. Бирок аризачи ҳали ўсмир ёшида экани, у яна ўсиши мумкинлиги кўрсатилиб, ариза қайтарилганди. Ҳозиргача бўйи 73 сантиметр бўлган хитойлик Пинпин дунёнинг энг митти одами ҳисобланади. Бу борда мутлак рекорд бўйи 57 сантиметр – яъни Магардан 1 сантиметр баланд хиндистонлик Гул Муҳаммадга тегишли эди.

**ҲАЁТЛИГИДА ҲАЙКАЛ ЎРНАТИШДИ**

Сербияда таниқли америкалик актёр Жонни Деппға ҳайкал ўрнатишди. Хабар қилинишича, одам бўйи билан баравар монумент Сербия жануби-ғарбий қисми аҳоли пунктларидан бирида тикланган. Актёрнинг ўзи таниқли режиссёр Эмир Кустурица тақлифи билан Kustendorf кинофестивалида қатнашиш учун ташриф буюрган.

Ж. Депп Сербияда уч кун меҳмон бўлиб турган. Актёр минтақада бўлган бутун давр мобайнида семинарларда қатнашди, шунингдек, Мексика исёнчилари етакчиси ҳақидаги "Панчо Вилья" фильми суратга олинадиган жойларни бориб кўрди. Жонни Депп бу фильмда бош қаҳрамон ролини ўйнайди.

**ШОКОЛАДДАН — ХИТОЙ ДЕВОРИ**

Буюк Хитой деворининг 10 метрлик нусхасини шоколаддан ясаб, хитойлик қандолатчилар барча рекордларни ортада қолдиришди. Девор бир неча яхлит қора шоколаддан иборат ўнлаб гиштардан ясалди. Улар эритилган оқ шоколад билан бир-бириға ёпиштирилди.

Деворға илова қилинган лойдан ясалган армиянинг миниатюра нусхаси ҳам шоколаддан бунёд этилган. Шу ойнанинг охирида Пекинда World Chocolate Wonderland қандолатчилик маҳсулотлари кўргазмаси ўз ишини бошлади. Ҳеч шубҳасиз, махсус кийин эрийдиган қора шоколаддан қуйилган 80 тонна гиштардан терилган Буюк Хитой деворининг 10 метрлик нусхаси кўргазманинг бош экспонати бўлади.

Конструкция фақат пазандалик дурдонаси бўлиб қолмай, балки муҳандислик санъати намунаси ҳамдир: шоколад гишт ҳам эмас, оҳақтош ҳам эмас, оғирликни кўтаролайди, эриб кетиши мумкин эди.

**БИЛАСИЗМИ?**

- Аляска байроғини 13 яшар болақай яратган.
- Сахара саҳросида бир марта – 1979 йилнинг 18 февраль куни қор ёққан.
- Италияда Барби кўғирчоқлари Канададаги канадаликлардан кўпроқ.
- Капитан Кук Антарктидадан ташқари Ернинг барча қитъаларига оёғи теккан биринчи инсондир.
- Францияда қонун одам юзи бўлмаган кўғирчоқларни, жумладан, "ўзга сайёралик"ни сотишни тақиқлайди.
- Австралияда 50 центлик тангага дастлаб 2 долларлик кумуш сарфланган.
- Сунгги 5 йил ичида Канада 4 марта яшаш учун энг қулай мамлакат деб эълон қилинган.
- Англия кутубхоналарида энг кўп Гиннеснинг рекордлар китобини ўғирлашади.
- Қадимги Римда, агар мижоз жароҳлик операцияси давомида ўлиб қолса, шифокорнинг қўлини кесишган.
- Монако миллий оркестри таркиби унинг армиясидан катта.
- Сахара саҳросида бир марта – 1979 йилнинг 18 февраль куни қор ёққан.
- Францида қонун одам юзи бўлмаган кўғирчоқларни, жумладан, "ўзга сайёралик"ни сотишни тақиқлайди.
- 1983 йили бутун дунё бўйича туғилиш бўлмаган мамлакат – Бу Ватикандир.
- Сунгги 5 йил ичида Канада 4 марта яшаш учун энг қулай мамлакат деб эълон қилинган.
- Лас-Вегас казиносида соат йўқ.
- Италияда Барби кўғирчоқлари Канададаги канадаликлардан кўпроқ.
- Францида қонун одам юзи бўлмаган кўғирчоқларни, жумладан, "ўзга сайёралик"ни сотишни тақиқлайди.
- Сунгги 5 йил ичида Канада 4 марта яшаш учун энг қулай мамлакат деб эълон қилинган.
- Қадимги Римда, агар мижоз жароҳлик операцияси давомида ўлиб қолса, шифокорнинг қўлини кесишган.

**Спорт янгиликлари**

**ДЎСТЛИК МУСОБАҚАСИ**

**Шайхонтоҳур туманидаги 102-мактабда Баркамол авлод йили муносабати билан «Спорт ва дўстлик» шиори остида мусобақа ўтказилди.**

Шаҳар Халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган мусобақада мактабнинг 5-синф ўқувчилари беллашди. Мусобақада мактаб ўқувчилари югуриш, тўсиқдан ўтиш, қопда сакраш

каби машқларни бажаришди. Шу билан бирга синф раҳбарлари ўртасида ҳам беллашувлар ташкил этилди. — Таълим тизимини ислоҳ қилиш, соҳа ходимлари учун замонавий шарт-

шароитлар яратиш, таълим-тарбия мазмуни ва соҳани такомиллаштириш борасида мактабимизда анча ўзгаришлар бўлди, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига мактаб директори Махтурат Асомова. — Мак-

таб капитал таъмирланиб, янги ўқув ва лаборатория хоналари, спорт заллари қайта қурилиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Энди йилнинг хоҳлаган фаслида спорт билан шуғулланиш ва турли мусобақалар ўтказишга имкон туғилди. Мусобақалар нафақат ўқувчилар, балки устозлар ўртасида ўтганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Эндиликда синф раҳбарлари ҳам спорт билан мунтазам шуғулланишади.

**Республика Киночилар уйида «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмасига биноан «Ўзбекфильм» киностудиясида режиссёр Н.Аббосов томонидан суратга олинган «Абадият чархи» фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

**«АБАДИЯТ ЧАРХИ» КАТТА ЭКРАНДА**


Мазкур фильмда урф-одат, анъана ва қадриятларни кўз қорачиғида асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилган. Уста-хунарманд Фахриддин образини таниқли актёр Фахриддин Шамсиматов ижро этган. Хоразмлик бу йигитнинг ота-боболари ҳам кулчилик билан шуғулланиб келган. Сулолани давом эттираётган Фахриддин бахтсиз ҳодиса туфайли турмуш ўртоғидан ажраб қолади. У ҳаётнинг турли зарбаларига дош бериб, икки фарзанди камоли йўлида меҳнат қилади. Фахриддинни мактабда тўғарақ очиб, ўз хунарини ўқувчиларга ўргатиш учун тақлиф қилишади. Бу ерда у кулчилик сир-асрорларини ёшларга ўргатади. Бу борада унга яқиндан ёрдам берган мактаб ўқитувчиси образини актриса Лола Элтоева маҳорат билан ижро этган.

Фильмдаги ҳар бир мулоқотда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. Оилада, кўчада бўладиган муомала маданияти актёрлар томонидан маҳорат билан очиб берилгани, унда ўзбекна лутф, ҳаё, ибодати фазилятлар мужассам.

— Кино тақдимотиға фарзандларим билан келдим, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига томошабин Фаррух Жалалиддин. — Мазкур фильмин бошқаларидан фарқи шундаки, биз ҳаётда куллар меҳнатини кўрмаганмиз. Фильмда эса уста-хунармандлар ҳаёти тўла-тўки ёритиб берилган. Бундан ташқари, кулларнинг икки фарзанди образини ижро этган болакайлар айниқса, фарзандларимда катта таассурот қолдириди.

Айтиш керакки, фильмда ҳаётнинг ўткинчилиги, инсон умри давомида одамларга яхшилик қилиб, ўз меҳнати билан ҳалол ризқ топиб, ном-нишон қолдириши каби эзгу ғоялар илгарии сурилган.

«Туркистон-пресс»



Акбар ЙҮЛДОШЕВ

**АРТУР — ТУРНИР ҒОЛИБИ**

**Украинанинг Киев шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган халқаро турнир ҳамюртимиз, икки карра Олимпиада чемпиони Артур Таймазов мубаффақият келтирди.**

Дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатидан келган полвонлар ўртасида ташкил этилган турнир мurosасиз курашлар остида кечди. Шуниси кувонарлики, мусобақага жиддий тайёргарлик кўрган Артур Таймазов энг оғир 120 килограммлик вазида барча рақибларидан маҳоратлироқ эканлигини намойиш этди. Финалда қозоғистонлик Марат Муталлимовни энга олган Артур турнир ғолиблигини кўлга киритди ва олтин медал билан тақдирланди.

**БАРКАМОЛЛИК ГАРОВИ**

**«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида эл суйган таниқли фахрий спортчилар ҳамда ёш спортчилар иштирокида учрашув бўлиб ўтди.**

Шаҳарча ҳокимияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган учрашувда талабалар турар жойларида истиқомат қилаётган ёшлар иштирок этди. Учрашувда қаратэ бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийси Фозилжон Худайназаров, халқаро тоифадаги спорт устаси, жаҳон ва 12 карра Ўзбекистон чемпиони Жамшид Абдулбоқиев, Ўзбекистон жанг санъати терма жамоаси бош мураббийи Сардор Содиков, 2 карра Ўзбекистон чемпиони, жанг санъати бўйича ёшлар терма жамоаси мураббийи Лаура Кушем-

бетова, халқаро тоифадаги спорт устаси Мушарраф Маҳмудова, Мурод Эрманов ва Шерпўлат Усмоновлар ўз фаолияти, эришган ютуқ ва машаққатлари хусусида ёшларга маълумот беришди. Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спортга бўлган қизиқишларини янада кучайтириш, жисмоний етук авлодни вояга етказишга қаратилган. Учрашувда юртимизда спортга қаратилган эътибор ёшларимизнинг жаҳон миқёсида улкан натижаларни кўлга киретишида муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. — Мамлакатимизнинг кўзга кўрин-

ган спорт усталари, таниқли ёш спортчилар билан учрашувлар ёшларнинг қизиқишларини янада ортттиради, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилар кенгаши аъзоси Рустам Камолов. — Ўттиздан ортиқ талабалар турар жойида истиқомат қилаётган 10 мингдан ортиқ ёшларга ўқиш, амалиётда билиминини мустаҳкамлаши, спорт ва хунар тўғарақлирига аъзо бўлиши учун барча шароитлар яратилган. Дарсдан бўш вақтларида спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун замон талабларига жавоб берадиган спорт майдончаси ёшлар ихтиёрида.

**«01»**

**ЁНГИНИ ЖИЛОВЛАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА**

**Шуни афсус билан қайд этиш жоизки, кейинги пайтда айрим кишиларнинг масъулиятсизлиги ва бепарволиги сабабли ёнғинларнинг юзага келиши давом этмоқда.**

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида биргина Учтепа туманида 23 та шундай ҳодиса юз берди. Газ ва электр иситиш мосламаларининг носозлиги, дуд-буронларда профиллактик ишларнинг вақтида олиб борилмагани, болаларнинг шўхликлари сабабли уй-жой ва бошқа масканларда инсонларнинг қуйиш тан жароҳати олиши, энг ачинарлиси — ҳалок бўлиши ҳам кузатишмоқда.

2010 йилнинг 4 январь кунини туман «Махсустрон» корхонасига қарашли бўлган Чилонзор даҳаси, 31-мавзе, 4-уй олдиди жойлашган 11-055-сонли чикинди йиғиш шохобчасида ёнғин содир бўлган. Оқибатда шу ерда оператор бўлиб ишловчи фуқаро В.Медведевнинг 1978 йилда туғилган қизи танаси 22 фоиз қуйиш даражасида тан жароҳати олган.

Худди шундай ҳодиса 18 январь кунини ҳам рўй берди. Чилонзор даҳаси, 15-мавзедаги 23-а уйнинг олдиди жойлашган 11-025-сонли чикинди йиғиш шохобчасида ёнғин содир бўлган, оқибатда шохобча оператори 1968 йилда туғилган фуқаро И.Ярулин ҳаётдан кўз юмган.

Хурматли фуқаролар, ёнғин хавфсизлиги хизмати бундай салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида сизларни оғоҳликка чақириб, ўз уй-жойларингизда, бошқа масканларда сигарета чекмасликка, қўлбола электр иситиш мосламаларидан фойдаланмасликка даъват этиб, ёнғин хавфсизлиги қондаларига тўлиқ риоя қилишингизни сўрайди.

Иззатилла ҲОШИМОВ,  
Учтепа тумани ИИБ ёнғин хизмати бошқармаси муҳандиси, катта сержант

**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси охиби бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!**

1. Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:  
1. «BA3-2101» русумли, д/р 30L8746 бўлган, 1979 йилда и/ч, Тошкент ш., ИИБ ЙХБ ЙПХ пости жарима майдонидида сақланаётган автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.06.2008й, №2-89/2008). Бошланғич баҳоси — 1 097 601 сўм 80 тийин.
2. «Нексия GLE» русумли, д/р 11A7172 бўлган, 1998 йилда и/ч Тошкент ш., ИИБ Ахборот марказига қарашли жарима майдонидида сақланаётган автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.09.2009й, №1-485/2009). Бошланғич баҳоси — 9 999 136 сўм.
3. «Нексия GL» русумли, д/р 30A5351 бўлган, 1998 йилда и/ч Тошкент ш., ИИБ ЙХБга қарашли 8-сонли маҳусус жарима майдонидида сақланаётган автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 02.11.2009й, №ЖСХ-1-276/09). Бошланғич баҳоси — 9 360 000 сўм.
4. «Нексия» русумли, д/р 11X2977 бўлган, 2005 йилда и/ч Тошкент ш., ИИБ ЙХБга қарашли 61-сонли маҳусус жарима майдонидида сақланаётган автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 14.07.2009й, №ЖСХ-1-263/09). Бошланғич баҳоси — 11 999 280 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 6 апрель кунини соат 11:00да бўлиб ўтади.**  
Талабгорлар диққатига! Қўриқдаги мол-мулклар 2010 йил 6 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мол-мулкларни сотиш юзасидан тақририй аукцион савдоси 2010 йилнинг 20 апрель кунини бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг [www.rkmb.uz](http://www.rkmb.uz) расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.  
Аукцион савдоларида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Илак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлаш шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

**II. Қуйидаги мол-мулклар савдодан олинганлигини маълум қиламиз:** 1. Миробод тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб «Тошкент оқшоми» газетасининг 15.01.2010 йилдаги 10-сон ва «Частный сектор» газетасининг 21.01.2010 йилдаги 3-сонда чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдосига чиқарилган, «Матиз» русумли, д/р 30Q3690 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси ва Тошкент ш., Миробод т., Олимпбеков кўчаси, 8-уй, 14-хонадон аукцион савдоларидан олинди. **Савдодан олишга асос:** Миробод тумани СИБнинг 18.02.2010 йилдаги 015/11 ва 06.02.2010 йилдаги 12820/20-сонли хатлар. 2. Юнусобод тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб «Тошкент оқшоми» газетасининг 22.01.2010 йилдаги 15-сон ва «Солиқ ва Божхона хабарлари» газетасининг 25.01.2010 йилдаги 4-сонда чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдосига чиқарилган, Тошкент ш., С.Раҳимов т., Хамидхонов кўчаси, 2-уй, 30-хонадон аукцион савдоларидан олинди. **Савдодан олишга асос:** Юнусобод тумани СИБнинг 20.02.2010 йилдаги 501-04/17-сонли хати, Манзилли: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. [www.rkmb.uz](http://www.rkmb.uz).

**Диккат!**  
Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг худудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишини алоҳида маълум қилади.  
**Оммавий савдолар мулк эгасининг ихтиёрига кўра бевосита жойларга чиқиб ўтказилиши мумкин.**

**ЖОНДАН АЗИЗ БУВИЖОНИМИЗ САЛИМА АҲМЕДОВА**

Табаррук 80 ёшни нишонлаётганингиз муносабати билан чин қалбдан самимий муборакбод этамиз. 7 нафар фарзандни камолга етказиб, шириндан-шакар набираларингизнинг бахту икболидан кўнглингиз тоғдек юксак сиздек азиз инсонга ҳамиша таъзимда бўламиз. Узоқ умр кўриб, доимо соғсаломат бўлишингизни, бизни оқ фотихангиз билан дуо қилиб юришингизни тилаймиз.

Сизга энг яхши тилакларни изҳор этиб меҳрибон набираларингиз.

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бўш вакант лавозимларга**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Номзодлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак.

- 1.Иқтисодиёт, молия, менежмент ёки бошқа йўналишлар бўйича: олий маълумотли (бакалавр, магистр) бўлиши;
- 2.Ўзбек, рус ва бирор хориз (инглиз, француз, немис, турк, араб ва б.) тилларини билишлари зарур;
- 3.Ёши 25-45 атрофида, 5-10 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши;
4. Компьютерда ишлаш тажрибасига (Word ва Excel сабоқлари) эга бўлиши лозим;
- 5.Тошкент шаҳрида рўйхатда туриши талаб этилади.

Маълумотномани қуйидаги:  
— электрон манзилга — TRP- Toshkent @ mail.ru ёки  
— факс орқали 150-31-01 телефон рақамига жўна-тишлари сўралади.

**Телефонлар:**  
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*  
**Нашр кўрсаткичи — 563**  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4203 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

**03=03 ЎРГАНИДО ДОМО БИЛУР**

**МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ**

**ОДОБЛАР БАЁНИ**

**Жамъ қилса уйда ҳар ким симу зар, Оқибат ул уй бўлур зеру забар.**

**Гар киши Шайтон сари**  
кор айламас,  
**Ҳақ ани икки жаҳон хор айламас.**

**Ҳар ёғоч бирла тишингни кавлама, Ҳар хаёл бирла кўнглини овлама.**

**Билгасен шайтон қадим**  
душман дурур,  
**Амрини қилгон ҳам душман дурур.**

**Келса давлат сан ани давлат дема, Келса гар меҳнат сан ани**  
меҳнат дема.

**Билгайсенким аввало Ҳақ берди жон, Ғам ема ҳам бергуси оғзингга нон.**

**Тош ичида ризқ берди мурға, Кимни тасдиқ қилса доҳил нурға.**

**Бойлар олдида гардон қилма ҳам, Аҳли дунёларга ҳаргиз урма дам.**

**Бўлса ҳар кимки зийнатдин жудо, Оқибат бўлғайки миллатдин жудо.**

**Чун шўтурмурғ дурур нафси дағо, Ҳам кўтармас юкни ҳам учмас ҳаво.**

**Уч деса айтурки ман бир теваман, Юк кўтаргил деса айтур учқаман.**

**Нафсни амриға гар қилса сафар, Бегумон билғил ани жуъ ул-бақар.**

**Ҳар киши халқ ичра**  
шухратни тилар,  
**Жонига бисёр офатни тилар.**

**ПОКЛИК ВА МУНОФИҚЛИК ҲАҚИДА**

**Неча ишлар борки Раҳмоний эрур, Неча ишлар борки Шайтоний эрур.**

**Обиде бўлғилки фосиқ бўлмағил, Солиҳе бўлғил мунофиқ бўлмағил.**

**Неча ишдур бил мунофиқлар иши, Қасд ила гар ани қилса ҳар киши.**

**Ваъдасига аввало қилғай хилоф, Оғритиб қилғай кўнглини ул хароб.**

**Ҳам мусулмонға касофатлар қилур, Ҳам амонатга хиёнатлар қилур.**

**Ваъдасига қилмағай ҳаргиз вафо, Кўнглида йўқ турур онинг**  
сидку сафо.

**Ким мунофиқ бирла гар ҳамроҳдур, Англағил ҳар иккиси гумроҳдур.**

(Давоми бор)  
**Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва Мавжуда РАЗЗОҚОВА**  
тайёрлаган

Тошкент Молия институтини томонидан 2007 йилда Мухаммадиев Баҳодир Мустафоевич номига берилган В 316099 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ**

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: Буюк Тўро кўчаси, 41-уй.

1235